



CANADA



CANADA

“ЯШИЛ ИҚТІСОДИЁТ”И РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Жамол Юлдашев

Жиззах *Sambhram* университети

2 –боскич магистранти

Бугунги кунда жағонда зәтибор талаб этилаётган муаммолардан бири бу – экологик муаммолар ўзининг глобаллиги билан алоҳида ажralиб турибди. Табиий воқеликларни англаган холда, уларнинг келиб чиқиши сабабларини аниқлаб, салбий ҳолатларни тузатишга ижобий тарзда ёндашиб, табиат қонунларини ҳисобга олиб, экологик муаммоларни фан – техника ютуқлари, “Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш ва қайта тикланувчи энергия манбалари асосида ҳал қилиш мухим омиллардан ҳисобланади. Ҳеч кимга сир эмаски, жағонда асосий таҳдид солаётган хавфлардан бири сифатида экологик муаммоларни барта –раф этиш масалаларидир.

Шундан келиб чиқкан ҳолда фикримизча, ҳозирги глобаллашув шароитида иқтисодиётни барқарор ўсишига хавф соладиган замонавий таҳ –дидлар қуйидагилардир:

1. Жағонда давом этаётган иқтисодий молиявий инқирозлар.
2. Кучайиб бораётган экстремизм, терроризм ва наркотик моддалар савдоси.
3. Мамлакатда мавжуд коррупцион ва хуфёна иқтисодиёт элементлари
4. Ишчи кучларнинг давлатлараро ҳаракати (миграцион таҳдид).
5. Жағонда рўй берәётган ҳар хил урушлар (ҳарбий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, иқтисодий).
6. Экологик муаммолар.

Маълумки, иқтисодиёт ривожи бевосита электр ва иссиқлик энергияси таъминоти билан боғлиқ. Бироқ уни ҳосил қилиш ҳамда етказиб бериш жараённан катта ҳаражат талаб қилиниши билан бирга, ҳавога кўп миқдорда ис гази ҳам чиқарилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 5 майдаги ПҚ – 2343 – сонли қарори билан тасдиқланган, 2015 – 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сифимини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологиялар ва тизимларни жорий этиш чора – тадбирлари дастури доирасида кейинги йилларда республика – мизнинг иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳасида энергия тежамкор – лигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли чора – тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг “Париж битими”га қўшилиши муносабати билан экологик ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бўйича давлат стратегияси ишлаб чиқилди. Бу ҳақида 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида келтирилган.

2017 – 2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора – тадбирлариға доир қабул қилинган Дастану доирасида 42 та янги гидроэлектростанция қуриш ва ишлаб турған 32 та гидроэлектростанцияни модернизация қилиш ҳисобига 2025 йилга қадар республикамизнинг экологик тоза гидроэнергия ишлаб чиқариш қувватларини 1,7 баробарга ошириш назарда тутилган. Юқорида билдирил –ган фикр ва мулоҳазаларни билган ҳолда мазкур курс ишини долзарб деб ҳисоблаймиз.

Бугунги глоболлашув шароитида жаҳонда асосий муаммолардан бири бу экологик муаммолардир. Бу муаммоларни ўрганиш жараёнида қуйидаги масалалар ўрганилди:

- мамлакатимизда ва жаҳонда ўзининг хавфлилиги билан алоҳида ўрин эгаллаган муаммолардан бири бўлган экология хавфни бартараф этиш долзарб бўлиб қолмоқда.
- экологик таҳтидларни бартараф этишда жаҳон ҳамжамиятининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, келушув ва музокоралар орқали унинг хав –фини пасайтириб бориш, экологик инқизорзининг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали яшил иқтисодга ўтишдир.
- дунёда хавф солаётган хатарлар 5 тоифага бўлинади: иқтисодий, экологик, геосиёсий, ижтимоий ва технологик.
- республикамизда экологик муаммоларни тартибга солиш ва ҳал этиш борасида ҳукуқий асос яратилганлиги экологик муаммоларни имкон қадар камайтиришга ўз ҳиссасини қўшади деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, иқтисодиёт ривожи бевосита электр ва иссиқлик энергияси таъминоти билан боғлиқ. Бироқ уни ҳосил қилиш ҳамда етказиб бериш жараёнида катта харажат талаб қилиниши билан бирга, ҳавога кўп микдорда ис гази ҳам чиқарилади.

Орол муоммосини бартараф этиш, йўқолиб кетган табиатни борича тиклаш бутун дунё аҳли ҳамжиҳатлигига Орол денгизи бўйларини ўрмон –зорлаштириш ва инновацион лойиҳаларни жорий этиб Оролни қуткариш чора тадбирларни амалга оширишимиз зарур.

“Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириб бу каби муаммоларни бартараф этиш учун биринчи навбатда шахар ва қишлоқ қўчаларида манзарали дарахтларни ҳамда гул қўчатларни купроқ экишимиз фойдадан холи эмас. Чунки биз биламизки арча дарахти ўзига карбонад ангидрид ютиб кислород ишлаб чиқаради. Ундан сўнг жаҳонга машҳур Apple компанияси Хитойда айнан қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб бораётганлигини, Panasonic эса Tesla билан ҳамкорликда электр машиналарига батареялар яратиш борасида фаол изланаётганлигини, Германия, Дания, Швеция каби мамлакатларда “яшил” уйлар қуриш урф бўлганлигини, АҚШда “яшил иқтисодиёт” соҳасининг пешқадамлари сифатида Google ва Apple компаниясиининг қилаётган ишларидан намуна олиб ўзимизнинг шароитга мослаштириб кенгроқ тарғиб қилишимиз керак. Хар бир корхона ташкилотларда қайта тикланувчи энергия



манбаларидан самарали фойдаланишни жорий қилиш ва ис газ чикарадиган хар бир қурилмаларга ҳаво тозалагич філтрларни ўрнатишни жорий қилиш зарур, қуёш панелларидан янада кенгроқ фойдаланишни нафақат корхона ва ташкилотларда балки оддин ахоли хонадонларида хам фойдаланишни жорий қилиш керак. Бу билан биз нафақат экологияни бузилишини олдини олган бўламиз, балки иқтисодий тежамкорлик ва қишлоқ жойлардаги электр танқислиги муаммосини хам ечимини топган бўлардик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

Президент асарлари

1. Мирзиёев.Ш.М. Танқидий таҳдил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т. Ўзбекистон, 2017-й 19 - б.
2. Каримов.И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т: Молия. 2002. 11 – 14 – бб.

Меъёрий – хуқуқий хужжатлар

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги қонуни. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 15 апрел 1999 йил сессияси 1999.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги қонуни 2013 й. 27 декабрь.